

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

СИНХРОНИЯ ВА ДИАХРОНИЯДА ТИЛ ТАДҚИҚОТИ

Тоир ИКРОМОВ

доцент, филология фанлари номзоди
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Исмоилхўжа ИБРОҲИМХЎЖАЕВ

доцент, филология фанлари номзоди
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ВА МАЪНО

Мазкур мақолада тилнинг марказий бирлиги бўлган сўз, аниқроғи, идиоматик ясама ва қўшма сўзлар ясалишида иштирок этувчи зохирий элементлар англатадиган ботиний маънолар ва уларнинг ўзаро бирикиш сабаблари очиқ берилган. Ҳар бир пайдо бўлган идиоматик қўшма сўзлардаги маъно унинг элементлари маъноларининг йиғиндисидан кўра бойроқ ва жозибадорроқ бўлади, чунки янги пайдо бўлган сўзга унинг элементлари маънолари йиғиндисидан ташқари шу сўзни яратувчи номинаторнинг тафаккури маҳсули ҳам қўшилган бўлади. Номинатор қўшган маъно ва унинг қиймати эса унинг интеллектуал салоҳиятига муайян даражада боғлиқдир.

Статья посвящена фундаментальной единице языка – слову, точнее идиоматичным производным и сложным словам и значениям их структурных компонентов, а также причинам их языковой сочетаемости. Реальное значение каждого новообразованного идиоматичного слова является богаче и экспрессивнее, чем общая сумма значений его компонентов. При образовании нового идиоматичного сложного слова, кроме суммы значений его компонентов, добавляется еще продукт мышления номинатора. Значение и значимость нового идиоматичного сложного слова в определенной мере зависит от интеллектуального потенциала создателя этого слова.

The present article is devoted to the fundamental language-unit — words, particularly to idiomatic derived and compound words and their components expressed by deriving bases, stems, and word-forming affixes and their meanings. The authors try to reveal combining causes of meanings. As a result of it the meaning of any newly-formed idiomatic word is wider, richer and more expressive than the additive meanings of their components, because the real meaning of the newly-created words includes the mind product of a nominator's intellectual quality.

Калит сўзлар: категоризациялаш, концептуализациялаш, сўзнинг ботиний – семантик қисми, сўзнинг зохирий – структуравий қисми, номинатор, қўшма сўз, идиоматик қўшма сўз, умумлаштирувчи сема, хусусийлаштирувчи сема, структуравий-семантик андоза, формант, тежамкорлик тамойили.

Ключевые слова: категоризация, концептуализация, содержательная сторона слова, структурная часть слова, номинатор, сложное слово, интегральная сема, дифференциальная сема, структурно-семантическая модель, формант, принцип языковой экономии.

Key words: categorization, conceptualization, inner-form of the word, outer-form of the word, language economy principle, nominator, compound word, integrating seme, differentiating seme, structural-semantic pattern, formant.

Тилшунослик қанчалик бой тарихга эга бўлмасин, халигача на мулоқот куроли “тил”га, на унинг “гап”, “сўз”, “маъно” каби таянч терминларига уларнинг моҳиятини англатувчи аниқ, универсал изоҳлар беролган эмас. Бунинг сабаби эса, мазкур терминлар англатувчи ҳолат, жараён, Л. Блумфилдатаган “ситуация” — вазият, ҳолатнинг ўзи бир хил ва универсал эмас(1, 142–164-б.). Фан ва техника — технологияларнинг жадал тараққиётга юз тутиши илмий изланишлар имкониятини кенгайтириб юбормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, тилшунослик ҳақидаги тушунчаларнинг кенгайиб, бойиб бориши, мазкур тил бирликлари ҳақида янги илмий мақолалар ва илмий изланишларнинг пайдо бўлиши уларнинг қанчалик серқиррали ва тасвирлаб бўлмас даражада мураккаб эканлигини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам янги сўзнинг ясалиши янги ихтиро қилинган бир предметни номлаш, эски бир предметга янгича ёндашиш, унинг очилмаган қирраларини янгича номлаш ёки муаллифнинг ижод маҳсули, ҳали номланмаган ходиса-воқеаларни номлаш — хуллас, тилда ҳали ифодасини топмаган объектнинг номланишини тақозо қилади. Бундай ҳолатда муаллиф машҳур тилшунос олим Фердинанд де Соссюр таъкидлаб ўтган тилдаги кенг имкониятлардан фойдаланиш эркинлиги — **“произвольность”**(ихтиёрийлик, эркинлик) ва шу билан бирга, ҳарқандай янги сўзнинг ясалиши тилдаги мавжуд сўз яшаш қониданормалари, мезонлардан четга чиқмаслиги ва аксинча уларга амал қилинишикерак бўлган мажбурият — **“обязательность”**ни(бажарилиши, шарт бўлган)ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим, акс ҳолда у янги сўз тушунарсиз бўлади ва жамият аъзолари эътиборидан четда қолиб, тилнинг луғат бойлигига кирмай қолиши мумкин.

Когнитив семантика айнан янги сўзлар яратиш жараёнида, инсон тафаккурининг фаолиятида, айниқса, янги идиоматик қўшма сўзлар яратиш жараёнида яққол намоён бўлади, чунки идиоматик қўшма сўзларда сўзнинг ботиний-семантик қисми, албатта, уммондаги айсбергнинг сув ичидаги кўринмас қисми бўлиб, сув юзасидаги кўриниб турган зохирий — структурал қисмига қараганда бойроқ, кенгроқ ва жозибадорроқ бўлади. Фикримизнинг далили

сифатида шуни кўрсатиб ўтиш керакки, когнитив семантика, Н.Н. Болдыревнинг таърифлашича, аниқ ва маълум маъно назарияси бўлиб, бунда асосий масала **антропоцентрик омил** — “концептуализацияловчи” ва “категоризацияловчи” инсон омилига қаратилган бўлади. Мазкур назарияда **инсон** — **идрок қилувчи субъект** ҳисобланиб, тил бирликларининг маънолари шаклланишида асосий фаол ўринни эгаллайди. Инсон тилдан маънони тайёр ҳолда қабул қилиб олмай, уни шакллантиради ҳамда у ёки бу ҳолатни тасвирлаш, ўз фикрини аниқ ва равшан баён қилиш учун тилдаги мавжуд воситаларни қидириб топади ва танлайди, нима учун айнан шу воситани танлагани сабабларини тушунтириб беради (2, 23-б.).

Масалан: ***baby hunger*** — ***overwhelming desire to have a baby usually observed in professional women over thirty who sacrificed the joys of parenthood for their career; cop-cleaner*** — ***a car that passes you on the freeway driving faster than you (and the speed limit). By pacing this car at a distance, speed traps along your route will catch the driver instead of you.***

Оқ билак — **кўлини совуқ сувга урмайдиган, фақат ўзига оро берадиган (аёл ҳақида).**

Ошхўрак — **овқат еяётганда устивошга тегизмаслик учун бўйинга боғлаб олинадиган, кўкракни ёпиб турадиган фартукча.** Болага ошхўрак боғламоқ.

Ош-қатиқ — **тирикчилик учун зарур озиқ-овқат.** Энди беш-олти кунлик ош-қатиққа нафи тегмаса нима қилиб ўстирдим бунни?

Мазкур кўшма сўз **ош-қатиқ бўлмоқ** иборасида келганда эса **бирор шахс билан яқин муносабатда бўлмоқ** деган маънони англатади. Қулоғингизда бўлсин, мана шу Турғунбоевнинг бир бошлиғи бор, зинҳор у билан ош-қатиқ бўла кўрманг (3, 557-б.).

Юқорида келтирилган мисолларни “ҳазина солинган қутичаларга” ўхшатса бўладигандек — сўз қутича бўлса, унинг изоҳи, яъни маъноси қутича ичидаги хазинадир. Алишер Навоий “Хазоин-ул Маоний”да таъкидлаганидек, тилдаги сўзлар хазина сақловчи дурдона қутичалар шодасидир. Ичида маъноси-хазинаси бўлмаса, қуруқ қутича — яъни сўз бамисоли шовқин. Аниқроқ айтганда, сўзнинг зоҳирий қисми қон-томир бўлса, сўзнинг ботиний қисми — маъноси томирда оқаётган қон-ҳаёт манбаидир. Бошқача айтганда, сўзлар бамисоли инсон танаси фаолиятидаги қон, яъни маъно ташувчи томирлардир.

Инсоннинг нутқий фаолият қобиляти — алоқа курули, тафаккури, коммуникатив хусусияти уни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи хоссаси, қисқа ва лўнда қилиб айтганда — унинг **тили** шундай бир нодир мўъжизаки, у қадим

тарихдан бошлаб қанча-қанча тилшунос олимлар томонидан муттасил илмий изланишлар объекти бўлиб ўрганиб келинмоқда ва хануз ўз ечимини топгани йўқ, чунки тил ҳамиша ривожланишда; унинг ибтидосини ҳам, интиҳосини ҳам ҳеч ким очиб беролмаса керак.

Тил бутун инсониятга хос экан, ҳеч бир инсон ўз ота-онасини ҳам, ўз болаларини ҳам тўлиқ, батафсил тасвирлаб беролмагани каби ўз тилини — алоқа куролини ҳам тўлиқ изоҳлаб бера олиши мавҳум масаладир. Масалан, “**маъно**” сўз-терминига бутун тилшунослик тарихи давомида ҳалигача бир универсал изоҳ — дефиниция йўқ, лекин шу билан бирга, бирор-бир сўзга бесабаб ва маъносиз, шарҳсиз бир ҳарф ёки бирор морфема қўшиб бўлмайди.

Демак, бир тилда сўзлашувчижамият аъзоси, ўз нутқ фаолиятида жамият аъзолари билан келишмай туриб, тилдаги қонун-қоидаларни бузмаган ҳолда, бесабаб, бир ҳарф ҳам қўша олмайди. Мабодо шундай қилишга мажбур бўлса, унинг сабабини айтиб, изоҳ бериши лозим, акс ҳолда, уни ҳечким тушунмайди ва қабул қилмайди. Шарқнинг буюк мутафаккири Мавлоно Жалололдин Румий таъкидлаб ўтганлар:

*Ул сабабдан бул сабаб келгай қара
Бесабаббўлмас сабаб пайдо сира.*

Демак, ҳарбир **сабаб** бир **маъно** экан. Тилнинг пайдо бўлишига асосий сабаб — инсон мияси нутқ фаолияти қисмининг маҳсули бўлмиш фикр-ғоя, яъни маънони бошқа инсонларга етказиш, тил бирликларидан маълум бир грамматик қоидаларга — комбинаторикага асосланган ҳолда гаплар тузиб, коммуникация қилишдир. Тил бирликлари — фонема, морфема, сўз ва сўз бирикмаларидан фойдаланиб, гаплар тузиш ва бунда ҳар бир тил бирлиги каттами-кичикми муайян маънога эга бўлиши шарт.

Лотин графикасига асосланган ўзбек алфавитининг тўртинчи ҳарфи **Г** (г товушини беради). Мазкур савол-жавобда: савол ҳам битта гап ва ўз-ўзидан маълумки, жавоб ҳам битта; зеро, фикр битта ҳарф билан ифодаланадими ёки бир морфема ёрдамида, бир сўздами, иборадами, гапдами ёки бутун бир абзац ёрдамида ифодаланадими, барибир тугаллангач, охирида нуқта қўйилади ва гап бўлиб ифодаланади. Юқорида келтирилган ҳолатда бир дона ҳарфда бутун бир гап мазмуни мужассамлашган, чунки бутун бир гап мазмуни биргина **Г** ҳарфи билан ифодаланаяпти (номланаяпти). Демак муайян бир ҳолатда, маълум бир контекстда ҳар қандай тил бирлиги бирор-бир сабаб билан **номлаш** хусусиятига

эга бўлади. Ва, энг муҳими, тил бирликлари ўзларида умумлаштирувчи ва хусусийлаштирувчи сема (маъноларни) мужассамлаштирган бўлади.

Концептуализациялаш ва категоризациялаштириш лексика ҳамда грамматикага бирдек хос. Лексика билан грамматика бир варақ қоғознинг икки томони бўлганидек, *концептуализациялаш грамматикасиз бўлмайди ва аксинча грамматика концептсиз мавжуд эмас*. Шу тамойилга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, сўз ясовчи аффикслар бир томондан грамматикага, иккинчи томондан лексикага хос. Шунинг учун ҳам сўз ясовчи аффикслар ҳамконцептуализациялашади ва айна пайтда ўзида категоризациялашади, яъни: айнан бир сўз ясовчи аффикс ёрдамида ясалган сўзлар қаторига — категориясига киритилади.

Концептуализациялаш жараёнида номинатор, яъни сўз ясовчи аффикс ёрдамида янги сўз яратаётган муаллиф синтактик бирлик — сўз, сўз бирикмаси ёки бутун бир гап ёрдамида ифодаланаётган маъно ёки тушунчани зоҳиран бир сўз ясовчи аффиксга “жойлаб”, (бу жараёнда тилдаги тежамкорлик тамойили ҳам муҳим ўрин тутди — катта тушунчани кичкина тил бирлиги — сўз ясовчи аффикс ёрдамида ифодаланиши нутқ фаолиятини тежашдир) сўз ясовчи аффиксда янги маъно шакллантиради ва шу билан биргасу сўз ясовчи аффикс яна бир маъно билан ўзининг ботиний “ҳазина” сини бойитади.

Бу дегани—ҳарқандай тил бирлиги ҳархил маъноларга эга бўлади. Фикримизни бугунги инглиз тилидаги сўз ясовчи суффикс **-er** мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

Лексик маъно:

- а) **шахс** — **bookseller** — one who sells books;
- б) **предмет** — **my reader** (китобим);
- в) **ғоя** — **blog fodder** — an interesting idea;
- г) **салбий жараён** — **barbeque stopper** — an embarrassing mistake-which is so awkward, that it temporarily suspends the conversation;
- д) **жиҳоз-тозалагич** — **screen-washer** — an instrument to clean the windshield of a vehicle;
- е) **асбоб** — **night-viewer** — a tool for viewing at dark;
- ж) **яшаш жойига мансуб** — **a Londoner** — a native or inhabitant of London;
- з) **пул бирлиги** — **a tenner, fiver** — a ten-pound banknote, a five-pound banknote.

Яна шунга ўхшаш мисол сифатида **-ing**ни келтириш мумкин: биринчидан, мазкур суффикс ҳамкўп маъноли, масалан, **missing, sleeping, speaking(speaking**

part — соқов эмас, *гипнотический* (роль), *speaking knowledge* — *гипнотический* қобилияти, *speaking-trumpet* — *мегафон, рупор*; ёки бошқа мисол: *sleeping bag* — *ухлаш учун қон-тўшак*, *sleeping partner* — *масъулияти чекланмаган ширкатдаги пассив шерик*, *sleeping-car* — *ухлаб кетадиган поезд вағони*. Мисоллардан кўриниб турибдики *-ing* сўз ясовчи суффикси сўзнинг негизмаъноси таъсирига қараб, гоҳ предметни, гоҳ жараённи, гоҳ фаолликни, баъзан эса, аксинча, пассивликни ифодаламоқда. Биргина суффикс ҳам фаоллик — пассивликни ҳамда жонли-жонсизликни ўзида мужассамлаштирган.

Linguo-Universal луғатида мазкур суффикснинг маънолари куйидагича берилди: **-ing** 1) феъл негизидан сифатдош ва герундий шакллари ясалган:

reading — ўқиётган;

sleeping — ухлаётган;

I like singing. — Мен куйлашни ёқтираман;

Reading is my hobby. — Ўқиш(китоб) менинг севимли ишим;

2) феъл ўзагидан ясалган сифат:

caring — ғамхўр;

interesting — қизиқарли;

young-looking — ёш кўринадиган;

3) а) феълдан иш-ҳаракат, жараён ва ҳолатни англатувчи от ясалади:

absorbing — сўриш, ютиш;

cabling — кабел ётқизиш;

carrying — юк ташиш;

law-making — қонун чиқариш;

kidnapping — одам ўғирлаш;

б) феъл ўзагидан конкрет объект, предмет ва материални англатувчи отлар ясайди:

camping — автотуристлар учун кўнок;

deafening — товуш ўтказмайдиган материал;

gearing — тишли узатгич;

glazing — глазурь;

в) феъл ўзагидан мавҳум тушунчани англатувчи отлар ясайди:

landscape-gardening — боғ-парк архитектураси; декоратив боғдорчилик;

calling — фаолият турлари;

daring — жасурлик, ботирлик;

leading — етакчилик.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Грамматик жиҳатдан ҳарбир сўз ёки сўз ясовчи аффикслар маънолари предмет ёки шахс, иш-ҳаракат ёки ҳолат каби номинатив ва вербал категорияларни билдирувчи ва ёки уларни актив — пассивлигини англатувчи категориал семаларга эга бўлади.

Стилистик жиҳатдан сўздаги ёки сўз ясовчи аффикслар маъноларининг кўчиши — метафорик ёки метонимик усуллар йўли билан ўзгариши натижасида ижобий ёки салбий маъноларни ўзида мужассамлаштириши мумкин, масалан: *morality/moralism*. Биринчи мисол нейтрал, иккинчиси эса салбий маънога эга .

Юқорида келтирилган маъно бирликлари янги сўз яшаш жараёнида тилда мавжуд бўлган сўз яшашнинг структуравий-семантик андозаларига асосланган ҳолда бирикиб, янги маъноли сўз пайдо қилади. Биз бадий адабиётга оид китоблар ўқиётганимизда кўп окказионал, яъни айнан шу ҳолат(occasion-occasional) учун ясалган, лекин изоҳли луғатда топилмайдиган, биз учун нотаниш бўлган сўзларга дуч келамиз ва аксарият ҳолларда бундай сўзларнинг маъносини осонгина “чақиб”, яъни тушуниб оламиз, чунки, ўша окказионал сўз ясалган структуравий-семантик сўз яшаш андозасининг “форманти” (Е.С. Кубрякова термини), яъни мазмуни ўқувчига таниш ва шу асосда янги сўзнинг маъноси чақиб олинаверади. Масалан, **йилқичилик, чорвачилик, боғдорчилик** сўзларининг структуравий-семантик андозавий формантига, мазкур ҳолатда эса *сўзнинг негизи англатган объект билан шуғулланиш* мазмунига асосланган ҳолда “Ўзбек тили изоҳли луғати”да мавжуд бўлмаган, лекин пайдо бўлиши мумкин бўлган “потенциал” **буғучилик, кенгуручилик, бўричилик** каби сўзларни бемалол тушуниб олаверамиз.

Навбатдаги мисол, бизнингча, алоҳида диққатга сазовор: *mega-* қўшма сўз ясовчи латин элементурдош от негизи билан бирикканда, “катта” — **megaplant** — катта ишлабчиқариш корхонаси, **megamall** — “катта усти ёпиқ савдо мажмуаси”, Тошкентдаги **megaplanet** — “кўпқаватли, савдо ва хизмат кўрсатиш уюшмаси”; **megalomania** — “ўзини буюк (улуғ) одам деб фахмлаш”; **megadeal** — “жуда катта ҳажмдаги молиявий битим”; **megatariff** — “ҳаддан ташқари катта, даҳшатли божхона солиғи, **megabacterium** — ҳаддан ташқари катта, даҳшатли бактерия” маъноларини англатиб келса, ўлчов бирликларини ифодаловчи сўз негизлари билан бирикканда, “миллион” маносини англатади: **megabit, megahertz, megaton(ne), megavolt, megawatt**.

Мазкур қўшма сўз ясовчи латин элементи ўзбек тилида **child** сўзи негизи билан бирикиб, янги маъно “кўп тармоқли, хорижий тиллардан сабоқ берадиган, ҳархил спорт турлари билан шуғуллантирадиган болалар боғчаси” деган маънога

эга бўлди ва ўзининг ботиний лексик-семантик доирасини янада кенгайтирди. Буни қарангки, — **Megachild** кўшма сўзи унинг компонентлари маънолари йиғиндисини англатувчи — “буюк, катта, ваҳимали гўдак бола” эмас, ваҳоланки кўшма сўзнинг ҳарбир компоненти янги маъно шакллантириб, **mega** — оч ранг “кўп тармоқли”, **child** эса “болалар боғчаси” маъноларини эгаллайдилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳарбир тил бирлиги каттамикичикми лексик, грамматик, стилистик ва прагматик маъноларга эга бўлиши, айти пайтда, кичик тил бирлиги ҳам кўп маъноли бўлиши мумкин. Ҳарбир пайдо бўлган маъно, айниқса идиоматик кўшма сўзлардаги маъно элементлар маъноларининг йиғиндисидан кўра бойроқ ва жозибадорроқ бўлади, чунки янги сўзга уни ташкил этувчиларнинг маънолари йиғиндисидан ташқари сўз яратувчи номинаторнинг тафаккури маҳсули ҳам қўшилади. Номинатор қўшган маъно ва унинг қиймати эса унинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Блумфилд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968.
2. Болдырев Н. Когнитивная семантика. Курс лекций по английской филологии. – Тамбов: Изд-во Тамбовского ун-та, 2001.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Русский язык, 1981.